



Ушбу китобда кайд этилган кўпчилик инсонлар ўз даврининг ривожланган, юкори даражада маданийлашган ва ўз даврининг сиёсий марказлари бўлган худудларда дунёга келганлар. Аммо Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам 570 йили Арабистоннинг Макка шахрида, ўша даврнинг ривожланмаган, санъат, маданият ва илмдан узок бўлган худудида дунёга келдилар. Тугилмасларидан отадан, олти ёшларида онадан етим бўлиб колдилар ва хашаматдан йирок холларида тарбияландилар. Ислон манбалари бизга у Зотнинг таълим кўрмаганликларини айтади. У Зотнинг молиявий жихатлари Хадижа розияллоху анхога уйланганларида яхшиланди. Качон кирк ёшга етганларида пайгамбар бўлганлари хакида илохий хабар берилди. Бу даврда кўпчилик араблар сохта «худо»ларга сигинувчи бутпараст эдилар. Шунингдек, ўша даврда Макка шахрида кам сонли яхудий хамда насронийлар хам яшар эди. Кирк ёшга етганларида ягона Аллох у Зотга вахий юбораётгани ва Хак Динни ёйиш учун танлангани инсонларга маълум бўла бошлади.

Уч йил давомида Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам хак динга факат якин кариндошлари ва дўстларини даъват килдилар, кейинчалик, аникроги, 613 йил даъватни ошкора кила бошладилар. Макка улуглари у Зотнинг жонларига хавф сола бошлагач, 622 йили Маккадан 260 мил (480 км) шимолда жойлашган Мадина шахрига сафар килдилар. Бу сафар «Хижрат» деб аталди ва Пайгамбар соллаллоху алайхи васалламнинг хаётида катта ахамият касб этди. Макка шахрида у Зотга иймон келтирганлар озчиликни ташкил килар, Мадина шахрида эса иймон келтирганлар сони кўп эди. Пайгамбар алайхиссалом уларга бошчилик кила бошладилар. Келгуси бир неча йил ичида Мухаммад соллаллоху алайхи васалламга иймон келтирганлар сафи кескин ортиши билан бир каторда Макка ва Мадина ахли орасида жанглар хам бўлиб турди. Бу жанглар 630 йилда Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам Макка шахрига фотих сифатида киришлари билан бутунлай бархам топди.

Умрларининг охирида араб кабилаларининг гурух-гурух бўлиб Ислонни кабул килаётганларига гувоҳ бўлдилар. 632 йили Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам вафот этганларида бутун Арабистон ярим оролининг гарбий кисми у Зотга бўйсунган

эди.

Араблар мохир жангчилар сифатида ном козongan эдилар, аммо улар ўзарo ички урушлардан азият чекишар эди. Ушбу холларида кишлок хўжалиги анчайин ривожланган шимолдаги давлатларнинг йирик кўшинларига бас келолмас эдилар. Аммо тарихда биринчи марта Аллохга бўлган иймонлари туфайли бирлашган бу кичик араб (мусулмон) кўшинлари инсоният тарихида хали мисли кўрилмаган фатхларни амалга оширдилар. Ўша даврда Арабистоннинг шимоли-шаркида форсларнинг Сосонийлар империяси, шимоли-гарбида эса маркази Константинопол бўлган Византия (шаркий Рум империяси) жойлашган бўлиб, сон жихатидан олганда араб (мусулмон)ларнинг бу давлатларга бас келиши мантикка ҳам тўғри келмас эди. Аммо Аллохга бўлган иймонлари туфайли рухланган араб (мусулмон)лар жуда тез фурсатда Месопотамия, Сурия ва Фаластинни фатх этдилар. Форс кўшинлари 637 йилда Кодисия ва 642 йилда Нехавандда жанглар билан машгул бўлган вақтда 642 йилгача Миср Византия империясидан тортиб олинди.

Бу буюк фатхлар Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг якин дўстлари Абу Бакр Сиддик ва Умар ибн Хаттоб бошчиликларида амалга оширилган бўлса-да, бу хали араб (мусулмон)лар ривожининг интихоси эмас эди. 711 йилгача араб (мусулмон) кўшинлари шимолий Африкадан Атлантика океанигача бўлган деярли барча ерларни фатх этдилар, бу ерда улар шимолга бурилиб, Гибралтар бўғозини босиб ўтдилар ва Испаниядаги Вестготлар киролигини мағлуб этдилар.

Канчадир муддат мусулмонлар бутун христиан гарбини босиб оладигандек туюлди. Аммо 732 йилда Франция марказигача кириб борган мусулмонлар машхур Тур жангида франклар томонидан тўхтатиб қолинди. Шундай бўлса-да, унча узок давом этмаган фатхлар асрида Пайгамбар соллаллоху алайхи васаллам сўзидан рухланган мусулмонлар Хиндистондан Атлантика океанигача бўлган хали бутун дунё гувоҳ бўлмаган улкан империяга асос солдилар. Шу билан бирга, улар каерни фатх этган бўлсалар, уларнинг юришлари кўплаб инсонларнинг Ислom динини қабул қилишлари билан нихояланди.

Хозирги кунда бу фатхларнинг хаммаси ҳам ўз кучида қолмаган. Форслар гарчи араблардан ўз мустакилликларини қўлга киритган бўлсалар-да, Ислom динига содиқ қолдилар. Испанияда 7 асрдан узок давом этган қурашлар христианларнинг бутун яриморолни қайта эгаллашлари билан тугади. Бирок қадимги цивилизациянинг икки бешиги бўлган, Африка шимолий қирғоғини тамомила эгаллаган Месопотамия ва Миср миллатлари мусулмонлигича қолди. Албатта, Ислom динининг тарқалиши тўхтаб қолмади, қелгуси асрлар давомида у янги-янги ерларга етиб борди. Хозирги кунда Африка ва Марказий Осиёда ўн миллионлаб мусулмонлар бор, Покистон ва Хиндистоннинг шимолида ҳамда Индонезияда эса уларнинг сони бундан-да кўпроқ. Индонезияда иймон бирдамликнинг асосий омилидир. Аммо Хиндистонда мусулмонлар ва бутпарастлар орасида давом этаётган қураш бирлашишга асосий тўсиқдир.

Шундай экан, Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг инсоният тарихига таъсирини қандай баҳолаш мумкин? Бошқа динлар қаби Ислom ҳам унга эътиқод қилувчилар ҳаётига қатта таъсир қўрсатади.

Шунинг учун ушбу китобда дунёнинг барча йирик динлари асосчилари алоҳида кайд этилган. Дунёда насронийлар сони мусулмонлардан тахминан икки баробар кўп экан, Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг Ийсо алайхиссаломдан олдин кўйилиши галати туюлиши мумкин. Аммо бу хулосанинг икки асосий сабаби бор: биринчидан, Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам Ислом динининг ривожини учун Ийсо алайхиссалом насронийликнинг ривожланиши учун қилган ишлардан кўра кўпроқ ишларни амалга оширганлар. Ийсо алайхиссалом насронийликнинг асосий маънавий ва ахлокий жихатларини белгилаб берганлар. Хаворий Павел насронийлик назариясининг асосий ривожлантирувчиси ва асосчиси бўлиб, шунингдек, Янги Аҳднинг ҳам каттагина қисмига муаллифлик қилган.

Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам эса Ислом акидаси, унинг маънавий, ахлокий жихатлари, исломий аҳкомлари ва амалларини белгилаб берган ягона шахсдирлар. Ундан ташқари, Исломнинг асосий манбаси ва Пайгамбарга вахийлар йигиндисини бўлган Куръони карим ҳам у Зот орқали етиб келган. Вахийлар Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам даврларида ёзиб қўйилган бўлиб, у Зот вафотларига хали кўп вақт бўлмасдан ишонарли ҳолда жамлангандир. Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг сўзлари билан Куръони карим бир-бирига зид эмас. Аммо Ийсо алайхиссалом таълимотлари бундай ҳолда бизгача етиб келмаган. Ийсо алайхиссалом ва хаворий Павелнинг насронийлик учун қилган ишларини жамласак ҳам, Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг Ислом йўлида қилган ишларига тенглаша олмайдимиз. Диний жихатдан назар солсак, Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам ҳам Ийсо алайхиссалом каби инсоният тарихида муҳим из қолдирган шахс эканликларини кўришимиз мумкин. Аммо у Зот соллаллоху алайхи васаллам Ийсо алайхиссаломдан фарқли равишда ҳам дин, ҳам дунё ишларида ўз асхобларига бошлик эдилар. Мусулмонларни бу қадар фатхларга руҳлантирган нарсаси ҳам Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам келтирган дин эди.

Кўплаб тарихий воқеаларга назар соладиган бўлсак, уларнинг одамларни олға бошлайдиган бошлиқларсиз ҳам содир бўлиши мумкин эканини кўрамиз. Мисол учун Симон Боливор у ерда яшамаган тақдирда ҳам, эҳтимол, жанубий Америка Испаниядан ўз мустақиллигини тортиб олар эди. Аммо биз араблар ҳақида бундай дейолмаймиз. Чунки Мухаммад соллаллоху алайхи васалламдан олдин ҳеч қачон бундай воқеа содир бўлмаган эди, шунингдек, ушбу фатхларнинг у Зотсиз содир бўлишига ишониш жуда қийин. Инсоният тарихидаги бу фатхлар билан қайсидир маънода тенглаша оладиган юришлар 13 асрда, асосан, Чингизхон таъсири билан рўй берган мўғуллар истилосидир. Бу истилолар мусулмонларникига қараганда кўпроқ ҳудудни қамраб олган бўлса-да, ҳозирги кунда Мўғилистон чегаралари Чингизхондан аввалги давр чегараларига қайтиб борган. Бу мусулмонларнинг фатхларидан бутунлай фарқ қилади. Ироқдан Марокашгача бўлган масофада фақат эътиқодлари билангина эмас, балки бир хил маданияти, тили ва тарихи билан боғланган бутун бир мусулмон давлатлари занжири ястаниб ётибди. Мусулмон давлатлари орасида турли фарқлар ҳам бор, албатта, ва улар бизни бирдамликнинг асосий жихатларини кўришдан тўсиб қўймаслиги керак. Масалан, Индонезия ҳам, Ироқ ҳам нефть ишлаб чиқарувчи давлатлардир, уларнинг ҳар иккиси ҳам Ислом динида ва улар 1973 – 1974 йилларнинг нефть қазиб олишни чеклаш лойиҳасига аъзодир.

Тарихда яшаб ўтган энг нуфузли 100 киши

Муаллиф:

04.10.2023 12:15 -

Биз кўриб турибмиз: 7 асрда содир бўлган мусулмон фатхлари узок ўтмишдан то бугунги кунимизгача мухим ахамият касб этмокда. Ва мен ўйлайманки, Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг хам дин, хам дунё ишларидаги мувафаккиятли фаолиятлари у Зотга хакли равишда инсоният тарихидаги энг мукаммал инсон макomini беради.